

2015 йил - қеқсаларни эъзозлаш йили

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 4 (233)

2015 YIL 30 aprel

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

ХАБАРЛАР

Маънавият сайли

Вилоятда ўтаётган маънавият кунлари доирасида институт маънавият-маърифат бўлими, ахборот-ресурс маркази ва мактабгача ва бошланғич таълим педагогикаси факультети ҳамкорликда маънавият сайли тadbiri ташкиллаштирилди.

Тadbir давомида талабалар томонидан тайёрланган турли мавзулардаги сахна кўринишлари намойиш этилди, ахборот-ресурс маркази ташкил этган китоблар кўргазмаси ва китоб ярмаркаси сайлнинг марказига айланди.

Институт футбол майдонида спорт мусобақалари айниқса қизгин ўтди.

Зулфизар ТАШАНОВА,
инглиз тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Учрашув

Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси ташаббуси билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими, шоира Венера Иброҳимова билан талабаларнинг ижодий учрашуви ўтказилди.

Учрашувни ўзбек тили ва адабиёти факультети декани в.б. педагогика фанлари номзоди Қ. Ядгаров очиб берди. Шоира ижоди ҳақида ўзбек адабиёти ўқитиш услубияти кафедраси мудири, доцент Ю. Каримова маъруза қилди. Шундан сўнг шоирага сўз берилди.

У ўз нутқида талабаларга адабиётнинг сеҳрли олами, ижод ва мақсадга эришишнинг шарафли йўли ҳақида сўзлаб берди. Ижодий бисотидан намуналар ўқиди.

Учрашув давомида умумий тарих кафедраси профессори Ф. Аҳмедшина ва институт хотин-қизлар кўмитаси раиси З. Абдувалиева иштирок этишди.

Талабаларнинг шеърхонликлари тadbirга янада файз бағишлади.

Музаффар УСАНОВ,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Қонун ва моҳият

Институт маданият саройида мактабгача ва бошланғич таълим факультети талабалари, профессор-ўқитувчилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчилари ва тингловчилари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган гоғлар ва белгиланган устувор вазибаларни аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида «Тезкор - қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун моҳияти мавзусида тadbir ташкил қилинди. Тadbirни институт ректори в.б. проф. Н. Алимов кириш сўзи билан очиб берди.

Қонун тартибидаги масалалар юзасидан ИИВ Академияси Тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, майор Ж. М. Маҳкамовнинг «Тезкор - қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун моҳияти, ИИВ Академияси 4-курс 403-гурӯх тингловчиси Д. Каримовнинг «Ёшларни диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолишини олдини олишда профилактика инспекторларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлиги», 407-гурӯх тингловчиси Х. Худойқуловнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг, 409-гурӯх тингловчиси Ш. Хазратқуловнинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақидаги маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан талабалар томонидан саволлар берилди ва тегишли жавоблар олинди.

Даврон АЛИБЕКОВ,
мактабгача ва бошланғич таълим
педагогикаси факультети
маънавий-маърифий ишлар
бўйича декан ўринбосари.

Йўлчи юлдуз каби чарақлаган даҳо

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига



ВАТАННИ *қурноқни, себноқни, асраноқни* Соҳибқирон бобомиздан ўрганайлик

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, Юртбошимиз И. А. Каримовнинг бобомизга билдирган фикрлари билан бошламоқни жоиз деб биламан: «Бу зот, тенгсиз азму-шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илмуфан ва маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очган сиймодир».

Бобомиз Амир Темур ибн амир Тарағай 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) шаҳрида дунёга келган. Оиладаги соғлом муҳит ва отаси Тарағай баҳодирнинг фарзанд тарбиясига маъсулиятли ёндашуви ёш Темурни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етишига сабаб бўлди.

Амир Темурнинг Марказий Осиё халқлари турмушида қолдирган хизматлари беқиёс. Хусусан, у Марказий Осиёни мўғуллар исканжасидан озод этишда барча ватанпарвар кучларни бирлаштирди, уларни мустақиллик учун йўналтирган етакчи раҳбар, ерли халқларнинг бу борадаги асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришга му-

ваффақ бўлган саркардадир.

Бу йил буюк бобокалонимизнинг таваллудига 679 йил тўлди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида бу сана кенг нишонланмоқда.

Бизнинг институтимизда ҳам 8 апрель кунини Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишлаб тadbir ўтказилди. Тadbir давомида институт ахборот-ресурс маркази томонидан китоблар кўргазмаси, тасвирий санъат йўналиши талабалари томонидан тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкиллаштирилди.

Институтнинг очиқ спорт майдонида спортнинг 5 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Соҳибқирон бобомиз таваллудига бағишланган тантаналар вилоятимизнинг турли бурчакларида давом этмоқда.

Сарвиноз БОТИРОВА,
меҳнат таълими
йўналиши талабаси.

Замон ёшлар нигоҳида

Ватанпарварлик туйғуси билан кулга қалам олдик

«Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодни бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Ислон КАРИМОВ,
«Юксак маънавият-енгилмас куч» асаридан.



Асрлар силсиласида 3 минг йиллик тарихимиз ўтиб борар экан, ушбу давр мобайнида халқимиз ўз бошидан қанчадан қанча кулфатларни ўтказмади, дейсиз. Халқни бошқарган йўлбошчилар гоҳ маърифатли, гоҳ илму маърифатдан йироқ

ЎТМИШ САБОҚЛАРИДАН

кишилар бўлишди. Уларнинг баъзилари ўзларидан унутилмас миллий мерос ва қадриятларимизни қолдиришди. Баъзилари эса неча минг йиллик тарихга эга маънавиятимизни, ўзлгимизни унуттирмакчи ҳам бўлишди. Аввало, халқнинг бошида турувчи инсон, Фаробий таъбири билан айтганда фозил бўлсагина, у ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билсагина, унга амал қилади, фикрлайди, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилади. Аксинча бўлсачи? Мисол тариқасида темурийлар салтанатининг парчаланишини олсак, Амир Темур асос солган давлатни жаҳолат ботқоғига ботган авлодлар таназзулга элтдилар. Давлатнинг асоси - пойдевори нотўғри қўйилгани учун эмас, балки мустақкам асос устига яхши пиширилмаган гиштар қингир-қийшиқ

терилгани боис бинога дарз кетди. Шундай экан, Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, «Мозийга қараб иш кўриш хайрликдир». Биз бугунги авлод тарих хатосидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда бугунимиз ва келажимизни ўз қўлимиз билан яратмоғимиз, вақт пиллапоясидан илгор одимлар билан ўтмоғимиз лозим.

Юртбошимиз XXI асрни ёшлар асри деб эълон қилар эканлар, бугунги кун ёшларига эркин ижод қилишлари ва ўз истеъдодини эркин намоён қилишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб бердилар. Бу борадаги ишлар


КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

самараси ўлароқ, биргина спорт соҳасидаги ютуқларга назар ташласак Оксана Чусовитина, Лина Черязова, Мухаммадқодир Абдуллаев, Артур Таймазовлар жаҳон спорт ореналарида Ўзбекистон шарафини муносиб химоя қилдилар. Эртанги кунимиздаги ишончга бугунги ютуқларимиз орқали эришамиз. Шундай экан, биз ёшларга эътибор келажакка эътибордир. Эскини ўзлаштириб ва янгини тушуниб яшамоғимиз лозим.

Сурайё ХЎЖААҲМЕДОВА,
миллия гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси.

Жаҳолат чўққиси

9 Май - Хотира ва қадрлаш куни олдида



Жаҳон баргдан аста думалаб бораётган шабнам томчисини эслатади. Давр ўтгани сайин пилик пистонга яқинлашаверади. Шабнам оқибат баргдан жарлик сари тойиб кетмасмикин, балки, шу тойишнинг номи урушдир. Қачонлардир биз инсонлар заминнинг бир парчасидан бунёдга келган эдик. Аслида барчамизнинг онамиз бўлган жонажон сайёрамиз ҳам бобо кўшининг бир арзандаси эди. Она сайёрамизни коинотнинг барча аъзолари ногаҳоний бирон тошга урилиб кетмасин дея асраётган бир паллада, биз ўз онамизнинг ҳалокати сабабчиси бўлиб қолмасайдик.

Ер юзиде илк бор қачон уруш бўлган экан-а? Ўшанда минглаб шахид фарзандларини бағрига олган ер фиғон чекиб, тўлғониб чиққандир...

Уруш. Бу сўз беихтиёр 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушини эслатади. Ҳозирги тилимиз луғатида бу сўз маънан торайиб шу урушининг англатадигандек. Аслида инсоният тарихи давомида умрининг 2/3 қисмини урушларга сарф этган экан. Энди бир фикр юритиб кўрайликчи, шу қалар катта йўқотишлар эвазига инсоният қандай ютуққа эришди?

Телевизорни ёқаман. Япониялик қандайдир олимни мақтаб чиқишди: янги ҳарбий ракета яратгани учун! Инсон инсонни қириб ташлаш учун қурол яратса, бу жаҳолатнинг энг «олий чўққиси» эмасми? Бир вақтлар Альфред Нобел динамитни ихтиро қилганида нималарни ўйлаган, Бор Нилс атомни нима ўй-у, хаёллар билан «ижод» қилди экан-а?

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини ўз бошидан кечирган, бугунги тинчлик замонида, дориламон дамларда кексалик гаштини сурётган 95 ёшли бувим ҳикоя қиладилар: «Ўша йилларни эсласам, ҳамон вужудимда

огриқ сезаман. Одамлар тинмай меҳнат қилишар, егулик йўқ. Кунда-кунора кимнингдир уйда йўқ тобутга аза очиларди. Бу мусибат бизнинг уйни ҳам четлаб ўтмади, фронтга кетган акамдан қорахат олдик. Завод ишчилари тўрт смена-лаб ишлашар, муттасил очлик, огир меҳнат ва яқинидан жудо бўлиш алами одамларни ҳолдан тойдириб қўйганди. Шу ёшга етганда мулоҳаза қилиб англаб етяпман. Қимматчилик ўз йўлига экан-у, аммо қахатчиликни бандасига кўрсатмасин экан. Қаердадир ўқигандим:

Тиш бўлмаса бор емоққа имкон,
Зўр мусибатдир топилмаса нон...

Эҳ, болаларим, бизга бугунги кунларнинг мингдан бири ҳам олис орзу эди. Эсиз... увол кетган умрлар, завол бўлган инсонлар...

Ҳаттоки, унда-бунда қулоғимга чалинган дўзах деганлари шу бўлса керак, деб ҳам ўйлаганим ёдимда».

Ўзбек халқининг атоқли адиби Ўткир Ҳошимов ўзининг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобида урушда голиб ва бахтли инсон бўлмаслигини айтган эди. Чунки, уруш одамни одам ўлдиршига мажбур қилади. Қўли қонга ботган инсон ҳеч қачон бахтли бўла олмайди!

Фикрларнинг охири йўқ, саволлар поёнсиз. Изтироб эса яқун билмайди.

Дунёларни бошингга кўтариб ҳайқиринг келади:

«Эй инсон фарзандлари, уруш-у низоларни бас қилинг! Наҳотки дунёни тинчлик ва фаровонлик билан бунёд этиб бўлмаса?!»

Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.



“Ижтимоий тобеллик”га қаршимиз!

«Ижтимоий тобеллик» яқинда муомалага кириб келган туншунча бўлиб, бу сўз ҳозирда ижтимоий сайтлар, интернет тармоқларининг бир туншунчаси сифатида ишлатилмоқда, тўғрироғи ундан фойдаланувчиларнинг интернет сайтларига боғланиб, тобе бўлиб қолаётганлигини ифодаламақда. Бу тармоқдагиларни ёшга бўлиб айтидиган бўлсак, 16-26-ёшдаги ёшларни ташкил қилади. Бундай тобелликка қафасдан чиққан куш мисолида қараш мумкин. Қафасдаги тутқинликдан қутилган куш озодлик нафасини тўғри илғай олмай эркинлик экан, деб ўзини девор-у туйнуқларга, энг еркин «чиройли» жойларга уриб юради, лекин англамайдики, ташқи кўриниш алдамчи эканлигини. Бир ўйлаб кўрайлик, қаршимизда кўп хонали уй. Бир хонасида мусиқа овози янграйди, бир хонасида девор тўла ҳикматлар, иқтибослар, таърифлар ва мақомлар, яна бир хонада интернет ишқибозлари зўр бериб ўйинлар, видеолар, ҳар хил кинолар ва гуруҳлар таклифларига жавоб қайтариш билан овозра. Ҳа, яна бирида эса кимлардир ким билан

электроника билан изоляция қилинган. Бу масканга кирган фойдаланувчи хоҳиши ёки қизиқиши туфайли ҳар бир хонага бир кириб чиқади, ҳатто, баъзиларида соатлаб, кунлаб қолиб кетади. Песихологларнинг фикрича: «Ҳамманинг мақсади ҳар хил, аввало, булар - қайсидир сабабга кўра реал ҳаётда мулоқотга тўймаган шахслардир. Дўстлари кўп бўлмаган ёш йигит ёки қиз, уй бекаси ва бошқалар. Айниқса ўзига мос муҳитдан бошқа муҳитга тушиб қолган кишилар ижтимоий тармоққа кўп мурожаат қиладилар. Масалан, бошқа шаҳарга кўчиб ўтганлар, ўқиш, иш учун чет элга кетганлар - улар ҳаётдаги ёлғизликни мана шу тариқа «енгиш»га ҳаракат қиладилар.

Ҳозирда мамлакатимиз миқёсида интернет фойдаланувчилари сони 10 миллион 200 минг кишига етган. Узоққа бормайлик, бундан бир вақтлар уйда, кўча-кўйда, ўқиш жойида ёшлар кўлида китоб ёки сумка ёки шунга ўхшаш ўқув воситасини кўрадиган бўлсак, ҳозирда аксарият ўқувчи ва талаба ёшлар

римиз кўлида телефон, планшет пайдо бўла бошлади, бу кундалик одат тусига айланган, десак ҳам хато бўлмайди.

Ёшларимиз компьютер олдида ўтириб қанча вақт ва маблағ сарфлаб ҳар қандай парнографик ва фаҳш лавҳаларни юклаб олиш ўрнига битта яхши китоб харид қилишса яхши эмасми? Бунга ота-оналарнинг муносабати қандай? Барча ота-оналар ҳам ўз фарзандининг кундалик юмушларидан хабардорми? Ва ниҳоят, улар ўз жигаргўшаларининг эртанги кунини ўйлаётдиларми? Бундай жавобталаб муаммоларнинг ечимини бугун ўйлаб кўрмасак - эртага кеч бўлади. Кейинги афсус - ўзимизга душман.

Буюк бобомиз Абу Али Ибн Сино ҳазратлари таъбирлари билан айтганда: «Қасални даволагандан кўра унинг олдини олган яхшироқ».

Бинобарин, ҳар биримизга дахлдорлик туйғуси хос бўлсин ва атрофдагиларнинг тизгинсиз йўлга кириб қолишига йўл қўймайлик.

Мафтуна ЛАПАСОВА,
миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси

Талабалар ижодидан

Яшашнинг олий ҳақиқатини кашф этган буюк ихтироичига бағишлайман.

У билан таниш бўлган ва ёки бир дақиқа гап-сўзига қулоқ солган киши унинг барча чақалоқлар қатори йиғлаб тугилганига ишонмасди. Одамлардан у ҳақида сўрасангиз тахминан шундай жавоб беришарди: «Лапалиссми, ҳа уни таниймиз. Оғзи юмилмас бир девона-ку». Ҳа, унинг оғзи кулгудан ҳеч қачон юмилмаган.

Лапалисс. Шавкатли қиролликнинг шавкатсиз фуқароси. Балки одамлар ҳақдир. Унинг девонадан нима фарқи бор? Кунлар илиши билан вишиликлар унинг бемаъни ҳазилларидан зада бўла бошлайдилар. Кунни бўйи шаҳарнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида пайдо бўлади. Дуч келган одамга ҳазил қилади. Шеърлар айтадимей. Шунинг учун бутун Виши бўйлаб уни билмаган одам йўқ. Исмини билишмаса, ҳаммага маълум ҳақиқатларни айтиб юрган патилла сочли девонани эслатсангиз бас. Балки унга сиз ҳам дуч келгандирсиз? Аслида кўриниши бинойидек, фақат гаплари жуда алмойи-алжойи. Бирдан ҳовлиқиб қаршингизда пайдо бўлади-да, худди ҳозиргина оламшумул бир янгилик содир бўлган-у, ундан ўзга ҳамма беҳабар қолгандек бидирлай кетади: «Эшитдингизми, бугун ҳаво илиқ эмиш», «Бугун оқшом осмонга юлдузлар чиқармиш». Аммо одамлар ҳам унинг қизиқ ҳангомаларига анча ўрганиб қолишган. Тўсатдан тор кўчадаги қахвахонага кириб келганида унинг «янгиликни эшитдингизми» сизга одамлар атайин «йўқ» деб жавоб беришади. Кейин у бу сафар қандай гап айтаркин, деб баробар унга қулоқ тутишади. Шунда у қахвахоначи тутган бир стакан сувдан ютоқиб ичадида, бири жиддий, бири масхаромуз тикилиб турган ўнларча кўзга бирма-бир қараб, тантанали равишда «оламшумул» янгиликни эълон қилади:

- Бугун кўкатфуруш Севиля кўчага пушти нўхатгулли сарофан кийиб чиқди. Худо ҳаққи, ўзим ҳам аввал кўзларимга ишонмадим. Лекин ҳар қанча ишониш қийин бўлмасин, бу айни ҳақиқат!

Лапалисс шундай дейдию, нахотки сўзларимга ишонишмаяпти, дегандек атрофдагиларга кўз югуртиради. Одамлар ҳам жўрттага ўзларини ҳайратлангандек қилиб кўрсатишади. Ваҳоланки, ўша кўкат сотиб тўртта етим боқадиган бева Севилянинг пушти нўхатгулли куйлагидан бошқа кийими йўқлиги вишилик дайди кучукларга ҳам маълум. Сўнг бирдан қахвахонада шодон қахқаха кўтарилди. Мақсадига етганидан мамнун Лапалисс қахвахонадан чиқар экан, ўзича ўйлайди: «Хайрият, одамлар ҳақиқатга ишонишди».

Бизнинг девона Лапалисс ана шундай одам. Баъзан уч-тўртта хотин гурунглашиб турган жойга яқин келади ва ҳаммага умумий салом беради. Сўнг одатий саволини ташлайди: «Янгиликни эшитдиларинг-

Лапалисс англаган (ХИКОЯ)

Франшида, Виши шаҳри яқинида Лапалисс деган жанобнинг қабри оёр. У удетинида ҳаммага маълум ҳақиқатларни гапириб одамларни беэор қилиш билан машҳур бўлган экан. Қабр тошига шундан деб ёзилиблар: «Вафотидан бир дақиқа олдин тирик эди».

Асқад Мухтор,
«Эл-юрт керак экан одамга» китобидан.

ми?

Одатий жавоб олади:

- Йўқ, нима гап?

Бу гал у бирор «янгилик» айтиб ҳаммани «хайрон» қолдирмайди. Умидсиз қўл силтайди.

- Икки қулоғи кўшнисиникида бўлган бир тўп хотин янгилик йўқ деяптими, демак шаҳарда янгилик йўқ...

Одатдагидек кулгу янграйди.

Хуллас, дунё дунё бўлиб ҳали ҳеч ким Лапалисснинг гамгин ҳолда кўрмаган. Фақат мен кўрганман...

...Ўша куни у эрта тонгда уйимга кириб келди. Аввал ҳовлида сизирларни соғиб олиш учун тарадудланаётган кампирим билан шанғиллаб саломлашди:

- Хайрли тонг, София хола! Бугун сизир соғмоқчимисан, дейман?

- Хайрли тонг. Буни қара-я, бугун тунда тўсатдан миямга сизир соғиш фикри келиб қолди, энсаси қотиброқ алик олди София. Лапалисс ўша қувноқ оҳангда давом этди:

- София хола, биласанми, барча сизир бор хотинлар сенга ҳавас қилишади.

- Ол-а!

- Рост, чин сўзим. Биласанми нега?

Сут челақни кўтариб олган София оғилхона эшигига етганда тўхтади. Ўгирилди:

- Хўш, нега экан?

Лапалисс кампиримнинг калта бўйига ишора қилиб жиддий қиёфала дели:

- Албатта ҳавас қиладида. Ахир ҳеч ким худди сендек тик турганича энгашмай сизир соғолмайдику.

Кампирим «бор-е», дегандек қўл силтаб оғилга кириб кетди. Лапалисс кутилмаганда бир нимани эслаб қолгандек мен томонга юрди.

- Қандайсан қария!

- Михдай, - жавоб бердим мен.

- Одамдай мих бўлмаганидек, одам ҳам михдай бўлолмайди. Михни қўятур сенга зўр янгилик бор. Хуллас, аниқлашимча, ҳар куни тонгда қуёш кун ботар томонга қарама-қарши тарафдан чиқар экан.

- Йўғе?! - «хайрат»ландим мен.

- Ишонавер. Ўзим текшириб кўрдим. Дарвоқе, қария, София хола сени нима билан боқяпти? Намунча шишиб кетдинг? Шу кетиш бўлса яқинда оёқ оғритиб узоқ йўл юришингга ҳожат қолмайди.

- Қанқасига?

- Шунақасига. Қаёққа бормоқчи бўлсанг ҳам худди коптокдай ағанаб-ағанаб кетаверасанда. Майли омон бўл!

Лапалисс қандай келган бўлса, шундай чиқиб кетди. Эҳтимол кейинги воқеалар бўлмаса, бугун сизга буларни ҳикоя қилиб ўтир-

масдим. Аммо ўша куни кечга томон бир кўнгилсиз воқеа юз берди.

ҲАҚИҚАТ

Фермадан қайта-ётсам Лапалисс ўрмон четигаги йўл ёқасида ҳомуш ўтирибди. Даставвал уни танимай қолибман. Яқинроқ борғач униқиб кетган костюмидан танидим. Одамнинг қиёфасини кайфият шу қалар ўзгартиради деб ўйламаган эдим.

- Хайрли кеч, Лапалисс! - дедим яқин келиб. У бошини бир кўтарди-ю, ҳазин жилмайди. Бундай жилмайиш унинг қувноқ юзига унча ярашмади. Деярли шивирлаб жавоб қайтарди:

- Хайрли... қандайсан Заглада?

- Сенга нима бўлди қария? - ёнига чўкдим. У ҳар доимгидек, пойинтар-сойинтар қилиб эмас, бу гал дона-дона қилиб гапирди:

- Нега шундай, Заглада. Биз инсонлар энг олий неъмат - табасумни ҳам унутиб қўямиз. Мана сен, оддий деҳқонсан ва бундан ҳеч қачон афсус қилмагансан. Болаларинг тўқ, усти яланғоч эмас. Демак, сен бахтлисан! Нолишга ҳаққинг, кулмасликка асосинг йўқ!

- Албатта, мен ўзимни ҳаммиша бахтли ҳисоблаганман. Нима гап ўзи?

- Ўзим шунчаки, у шундай дедию уфққа қараб қолди. Сўнг худди ўз-ўзига гапиргандай деди: Одамлар бирор яқинлари вафот этганда, қабри устида нутқ сўзлашади. Ҳаётлик чоғида қилган яхши ишларини эслашади. Башарти мен вафот этсам, одамлар қабрим устида самимий қах-қаха сочишларини истайман. Лапалисс шундай дедию, яна жимиб қолди. Кейин бирдан яна ўша биз билган ва ўрганган қувноқ Лапалиссга айланди. Сапчиб ўрнидан туриб, йўл четигаги ҳовузчадан юзтубан ётиб сув ичди. Сувнинг таъми ёқмади шекилли, афтини бужмайтирди. Сўнг ўрнидан туриб энги билан лабларини артди. Менга юзланди:

- Вақтинг қандай қария? Бемалол бўлсанг мен билан юр, манави ҳовузчанинг сувини умуман ичиб бўлмаслигини одамларга етказамиз.

У жавобимни ҳам кутмай бозормайдон сари илдам юриб кетди...

Шу куни тунда Лапалисс ҳаётдан кўз юмди... Қандай дейсизми, буни ўзимиз ҳам сезмай қолдик. Ҳаётлик даврида қандай тушунарсиз яшаган бўлса, ўлими ҳам шундай юз берди...

...Мен билан хайрлашгач, бозормайдонга борган экан. Бозорга кираверишдаги чоғроқ дўкончада савдо қиладиган Илларион майфуруш дўкони олдида хизматчиси бир бочка винони эҳтиётсизлик қилиб тўкиб юборганидан жиғибийрони қиқиб турган экан. Буни эшитган Лапалисс унга «Бўшаб



қолган бочканга ўрмон четигаги ҳовуз сувидан тўлдириб кел. Ишонавер, сенинг виноларингнинг таъмидан ҳеч қолишмас экан. Ўзим синаб кўрдим» деб ҳазил қилибди. Шундоқ ҳам ловуллаб турган Илларионга бу гап алангага мой сепгандек таъсир қилибдию, Лапалисснинг ёқасидан олибди. Кейинроқ гувоҳларнинг айтишича, Илларион унга «Бефаҳм аҳмоқ, дарди йўқ эшшак, ҳаётинг саробдай изсиз ўт-япти. Менга ҳазил қилишни сен девонага ким қўйибди», - деганмиш. Одамлар бир амаллаб унинг кўлидан Лапалиссни ажратиб олишибди. Бу ҳангомани эшитган заҳотим лоп этиб боягина ўрмон четига Лапалисс менга айтган сўзлар ёдимга тушди. «Биз инсонлар яшашнинг олий ҳақиқатини ҳам унутиб қўямиз».

...Тонгда Лапалиссни ўша - ўзи хуш кўрган ўрмон четига дафн этишди.

Эртаси куни тонгда ўрмон четигаги йўлдан ўтганлар Лапалисснинг қабрига кўзлари тушиши билан ўзларини кулгудан тия олмадилар. Кимдир қабр устига ёғочлавҳа илиб кетибди. Унда шундай сўзлар бор эди:

ЛАПАЛИСС.

Ўлимидан бир дақиқа олдин тирик эди.

Орадан кўп ўтмай биз Лапалиссни соғина бошладик. Одамлар уни соғингани сари у қилган ишлари, антиқа гапларини эслаб кулиб юрадиган бўлишди.

Лапалисс ўлди. Кулгу ўлмади...

Орифжон ОДИЛОВ,
ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

БАҲОР МУШОИРАСИ

Шогирдимиз шогирди (Сўзбоши ўрнида)

Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 2012-2013 ўқув йилида битирган шогирдларимиз ичида ўзи танлаган мутахассисликни жон дилдан севган, унга меҳр қўйган, ўқитувчилик касбини юракдан эъозлаб, бу соҳада катта иштиёқ билан иш бошлашга тайёр битирувчиларимиз талайгина эди. Ана шундай ўтюррак шогирдларимиздан Кудратов Аъзам талабалик даврида ҳам ўз-ўзига талабчанлиги, билимга чанқоқлиги, ўзи эгаллаётган соҳанинг барча сир-асрорларини ўрганиб боришдаги собитлиги билан ажралиб турар, ўзининг илмий, илмий-услубий мақолалари билан устозлари назарига тушган эди.

Аъзам ўқишни аъло баҳорларга тугатиб, ўзи тугилиб ўс-

ган Бахмал туманининг 26-мактабида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси сифатида иш бошлади. Кувонарлиси шундаки, Аъзам институт, факультет ҳаётидан узилиб қолмай, фаолияти давомида ўзига керак бўлган маслаҳатларни, йўл-йўриқларни олиш учун доимо биз устозлари хузурига келиб туради. Кафедрамиз томонидан тайёрланган тўпламларда доимий ўзининг илмий мақолалари, услубий тавсиялари билан иштирок этади.

Аъзам яқиндаги келишида ўзи мактабда ташкил этган адабиёт тўғарагининг қатнашчиси, шогирди 7-синф ўқувчиси Суюнова Малоҳатнинг бир даста шеърларини олиб келибди. «Устоз, мен ҳам худди сизлар каби умид-

ли, адабиётни, шеърятни севадиган ўқувчиларни кашф этсам, уларни яна ҳам ижодга, изланишга рағбатлантирсам, дейман. Шогирдимнинг шу шеърларини кўриб, маъқул бўлса чоп этишга ёрдам берсангиз», - деди.

Ана шунда ростини айтсам, қанчалар қувонганимни, қанчалик кўнглим ўсганини олдий сўзлар билан таърифлай олмайман. Балки, буни ўз набирасини суйиб, уни еру-кўкка ишонмай турган онанинг ҳолатига ўхшатиш мумкин. Чунки она учун фарзанди жуда азиз, фарзандининг фарзанди - набираси эса ундан-да азиз. Шеърятга атак-чечак қилиб кириб келётган бу қизалоқ бизнинг шогирдимизнинг шогирди, биз учун набира-шогирд-да. Демак, бизнинг шогирдларимизга берган сабоқларимиз, одатлантирганимиз - одабийлик, эътиборлилик, шо-

гирдпарварлик, фидойилик бекор кетмабди.

Аъзамжон каби шогирдларимиз иш бошлаган жойларида, жамоаларида бизнинг юзимизни ёруғ қилиб, устозшогирдликнинг барҳаёт анъаналарини собитлик, эътиқод билан давом эттирар эканлар, биз устозлар умримиз зое кетмаётганлигидан чуқур қониқиш ҳосил қиламиз ва шоира айтганидек: «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали», - деймиз.

Набира-шогирдимиз Малоҳатхонга эса шеърятнинг малоҳатли маликаси бўлиб қолишини, шеърятга кириб келаётган қадами қутлуг бўлишини тилаб қоламиз.

Юлдуз КАРИМОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.
Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудири.

Талаба ҳикмати

ОНА ДЕГАН НОМ

Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг қилган ишлари, кўрсатган жасоратлари олдида бош эгасан, киши.

Она. Бу сўз замирида олам-олам маъно, қанчадан-қанча мазмун муҳассам. Уларни таъриф-тавсифлашга тил, наинки тил қалам ҳам ожиз.

Она-дунёдаги энг улуг, энг мўътабар зотдир. Улар фарзандларини оқ ювиб, оқ тарайдилар. Фарзандларини камолга етказиш, халқ корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаш, ҳаётда қоқилмай яшашлари, бировдан кам бўлмастиклари, асосий соғлом ва теран фикрли, эл-юрт учун муносиб ворис бўлишлари учун ўз оромидан кечадилар. Демилларки, она меҳри олдида бутун дунё, коинот ва само ҳам бош эгади.

Дунёда она алласиданда илоҳий ва жозибалор оҳанг борми?

Дунёда она дуосиданда буюкроқ куч борми?

Албатта, йўқ!

Бунинг сири нимада? Нима учун она меҳри куёшдан тафтли. Доно табиат онани яратганда ёруғ оламдаги жамики меҳр ва ҳароратни бир жойга жам этиб, она кўксига жо айлаган бўлса ажаб эмас.

Шоир айтганидек:
Бу ёруғ оламда Ватан битгадир,
Битгадир дунёда она деган ном!

Дарҳақиқат, она шундай зотки, унинг ўхшаши топилмайди. У ягона, худди Ватандек. Шунинг учун ҳам Ватанни онага қиёс қилсалар керак.

Мулоҳазаларимга нуқта қўяр эканман, хулоса ўрнида икки сўз айтмоқчиман:

Онагизни асранг, азизлар...

Феруза НУРУЛЛАЕВА,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

Баҳор

Тўзал қишлоқининг қизларига сен,
Ам-яшил шаллар тўшагини, баҳор.
Оқ, сариқ бойчечак миеолида сен
Кўклам овозасин таратгини баҳор.

Жилшина сездирмай келсангда баҳор,
Шовуллаб шовқинла тўлади анҳор.
Соғинган юраклар айтади такрор,
Хуш кўрдик, хуш келгини ўлкага баҳор.

Ассалом, кўклайи, салом, цул Наврўз,
Сулалак биландир бутун ризқу рўз.
Ширар тилимизда фақат битта сўз,
Марҳабо баҳорим, хуш келгин, Наврўз.

Эртақлар оламида

Эртақлар олами - эзгулик уйи,
Орзу-мақсадларга ботилоқ йўли.
Эмонинг доғ-войи, яхшининг қўйи,
Балаиғроқ нўзилган ҷлидини бўйи.
Айёрини тўлки, мақтанчоқ қуён,
Қилматининг ҷетидан қулгани аён.
Зулрадхон ўзалиғур одоби билан,
Шўри хал афзалиғур калони билан.
Эрилар қадиғда қолиб кетарлар,
Эзгуликка бизни эртақ етаклар!

Малоҳат СУЮНОВА,
Бахмал туманидаги
26-мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

ИЖРО

Шоирим деб суюнма, онам,
Мен шаҳарда шоир бўлмадим.
Муҳлисим йўқ ўзингдан бўлак,
Гулдек сўлдим, ойдек тўлмадим.

Шоирим деб суюнма, онам,
Шоирликнинг қисмати курсин.
Қани оппоқ, салаф юрагим,
Ёниб бўлдим, порлаб тўлмадим.

Шоир бўлдим дея суюнмай,
Дунё дарди менинг зиммамда.
Юрагимла келиша олмай,
Шоир бўлиб қолдим чамамда.

Мажнунтоп

Сарви қомат деманг мени,
Қалди ёйим, дея суйинг.
Бу синовлар бошим эғди,
Мажнунтолим, дея суйинг.

Ўхшатмангиз эртақларга,
Тортқиламанг эрмақларга,
Бир порладим ва бир сўндим,
Юлдузимсан, дея суйинг.

Музтарман ёлғонингиздан,
Сохтаи афғонингиздан,
Садқан армонингиздан,
Мунгу армоним, деб суйинг.

Дилафрўз САТТОРОВА,
кимё йўналиши талабаси.

Лапалисга

(Яшашнинг олий ҳақиқатини кашф этган кашфиётчига)

Дилдан губорларни нарига суриб,
Муҳаббат улашиб, кулгу улашиб,
Елкада эзгулик юкини ташиб,
Мудом кулиб яшанг, кулдириб яшанг!

Аста оқу-қаро билиб борасиз,
Юзсизликни кўриб куйиб борасиз,
Ҳаёт ишларидан кулиб борасиз,
Мудом яхшиларни қидириб яшанг!

Ҳаёт ҳақиқатини излангиз бир дам,
Ким қасрда бахтли - ўша ер Ватан.
Топинг ўзингизга чинахам ҳамдам,
Яшаш ҳақиқатини билдириб яшанг!

Бу жаҳон саҳнадир, биз олдий актёр,
Шекспир сўзида буюқ ҳикмат бор,
Олам чўл деб қаранг ёки лозор:
Эзгу оламингиз қидириб яшанг!

Забун юракларга бахш этинг малҳам,
Олий ҳикмат ахир кулгунгизда жам,
Табассум топишин қабрингиздан ҳам,
Дунёни кулгуга тўлдириб яшанг!

Шодиёна АБДУГАППАРОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси.

Шеърят олами шундай сеҳрли оламки,
Ўзига ёш-у, кексани бирдай ошуфга этади.
Қуйида ўзи ҳали жуда ёш бўлса-да, шеърятга меҳр боғлаган ёш ижодкор Олимжон Жамоловнинг ижодий машқларидан намуна бермоқдамиз. Ўйлаймизки, Олимжоннинг болаларча самимий мисралари сизни бефарқ қолдирмайди.

Доно қуён ва бўри

Бўри қуён тутволди,
Нақ биқинидан олди.
Ялинар шўрлик қуён,
Қутулай деб соғ - омон.
Қуён бир оз ўйлади,
Сўнг бўрига сўйлади:
- Мана бу уяга кир,
Сенга айтай битга сир.
Бу ерда бор оилам,
Болам, хотиним, онам.
Сўнг ҳаммамизни ейсан,
Менга кўп раҳмат дейсан.
Бу ишинг яхши, деди,
Сўнг бўри кириб кетди.

Уйда эди айиқвой,
Бўрининг ҳолига вой!
Уқира айиқполвон,
Қиқирлаб кулар қуён.
Ахир у бўлди озод,
Бўри эса солар дол.
Ана шунақа бўлар,
Ким нафсига бўлса қул,
Обрўси не, ҳаттоки,
Жондан айрилар буткул.

Олимжон ЖАМОЛОВ,
Мирзачўл туманидаги
4-мактаб ўқувчиси.

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Zino chashmasi

Абдулла Қодирий номидagi
Жиззах Давлат педагогика
институту

Таҳририятга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нўхтай назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Босишга топширилган вақти - 19.00
Топширилди - 18.00

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидagi Жиззах
Давлат педагогика
институту.

«Жиззах-принт» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этил-
ди. Корхона манзили:
Жиззах шаҳри, 130100.
Сайилжойи кўчаси,
4-уй.

Офсет усулида 6500 нусхада босилди.
Буюртма № Shaki-A-3.